
Марғилон шаҳрида “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турувчи 81 нафар ёшларга меҳнат қуроллари топширилди

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тadbиркорликка жалб этиш, айниқса “Ёшлар дафтари” рўйхатидаги йигит-қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишларига кўмаклашиш муҳим масала ҳисобланади.

Хусусан бугун ҳам шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёшлари ишлари агентлиги шаҳар бўлими ташаббуси билан “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турувчи йигит-қизларга ўз-ўзини банд қилиши учун субсидия асосида энг сўнгги русумдаги 41 та тикув машиналари, ноутбук, компьютер жамланмалари ҳамда бошқа асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари топширилди.

Ўтган давр мойбанида ушбу дафтардаги 376 нафар ёшларга жами 1.1 млрд сўмлик меҳнат қуроллари тақдим этилган эди.

Таъкидлаш жоизки, бу каби юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳар бир ўғил-қиз тақдири давлатимиз назоратида, эътиборида эканлигидан далолатдир.

2022-01-19 14:39:45